



## СЎЗ ЎЗЛАШТИРИШНИНГ ЛЕКСИК ДУБЛЕТЛАР ЯСАЛИШИДАГИ ЎРНИ

*Юсунов Отабек Якубович,  
СамДЧТИ катта ўқитувчиси*

**Калит сўзлар:** сўз ўзлашуви, чет сўзлар, сўз ясалиши, лугавий маъно, полисемик сўз, моносемик сўз, синонимлар, лексик дублетлар, лингвистик, қиёсий таҳлил, сўз классификацияси, морфологик, фонетик ва орфографик мослашув, ассимиляция, конкретлаштириши, умумлаштириши.

Тилшунослик фан сифатида шаклланган XIX асрнинг бошларидан тилларнинг ўзаро таъсири масалалари, асосий қонуниятларини аниқлаш, чет тилидан кириб келган сўзларнинг бошқа тилларга ўзлашиш сабаблари, уларнинг реципиент тиллардаги роли ва вазибаларини белгилаш, донор тилнинг роли ва вазибалари, кириб келган сўзнинг истеъмолдаги умрининг узок-қисқалигини белгилаб берувчи лингвистик ва экстралингвистик омиллар, адаптация даврининг узок ёки қисқа муддатлилиги каби бир қатор масалалар дунё тилшунослари томонидан атрофлича, катта кизиқиш билан ўрганиб келинмоқда<sup>16</sup>.

Биобарин, дунёдаги мавжуд ривожланган тилларнинг деярли ҳаммасида озми-кўпми ўзлашган сўзлар, иборалар учраши, ҳатто айрим тилларнинг аралашиб кетганлик хусусиятлари, аввало, тилшуносларнинг, қолаверса, тилга эътибори бўлган ҳар бир кишининг ҳам диққатини ўзига жалб қилади. Айниқса, чет сўзларнинг ўзлашаётган тилнинг адабий ва сўзлашув нутқиға ўтиб, ҳаётий ва илмий-зарурий нарса ва ҳодисаларни номлаши, қабул қилувчи тил қонуниятларига тезда бўйсунishi, ўзлашган тилда сўзлашувчиларига ётлиги билинмай худди она тилиникидай бўлиб, мослашиб кетавериши каби объектив

фактлар сўз ўзлашуви масаласини тилшуносликнинг энг долзарб муаммоларидан бирига айлантиради.

Тилшунослик ҳам бу масалаларни фалсафий нуқтаи назардан туриб изчил ўрганиб келмоқда, чунончи, чет ва ўзлашган сўзлар сони ва ҳажми, характери ва тематикаси, структураси ва семантикасидаги ўзгаришлар, ассимиляция хусусияти ва стилистик функциялари каби бир қатор муаммо ва масалалар тилшуносликда ҳам тадқиқот объекти бўлиб, сўз ўзлашуви сабабиятлари ва қонуниятлари кенг таҳлил қилинди.

Ғарбий Европа тилларининг рус тилига<sup>17</sup> шу тиллар ва уларнинг рус тили орқали бошқа тилларга ва бевосита ўзбек тилига таъсири ҳақида ҳам бир қатор ишлар қилиниб, уларда муаллифлар сезиларли муваффақиятларга эришдилар.

Бу масалалар ўзбек тилшунослари ва олимларининг ҳам диққатини ўзига тортиб келди. Шарқшунос А.К.Борововнинг “Ўзбек адабий тили 1905-1917 йилларда” номли асарида олим сўз ўзлаштирилиши масалаларига ўзбек

<sup>16</sup> Diss. Gieben History of English Back/Wesen und Wert der Lehnuber-setzun. 1996; Gordon, James D. The English language: An historical introduction. New York: Thomas Y.Crowell Company, Inc. 1972; Berudl, R. Muttersprache und Fremdwort, Garz, 1998, Behaghel O.Geshichte det deutschen sprache, 5 Aflage, Berlin Leiplig, 2010, Cambridge 2004.

<sup>17</sup> Булько А.Н.Лексические заимствования в белорусском языке XIV – XVIII вв.АДД Минск., 2000; Ахунзянов Э.М. Русские лексические заимствования, вошедшие в словарный фонд и состав татарского языка. АДД.М.2005; Хайруллин М.Б. Итернациональная терминология в татарском языке. Казань, 2005; Исмаилова И.А. Русско-интернациональная лексика в якутском языке.- Сборник “Академику В.А. Гордлевскому” М.,2003; М.1990; Слепцов А.А.Русские лексические заимствования в якутском языке. М.2005; Татаринцев В.И. Русские лексические заимствования в современном тувинском языке. Кизыл, 2004; Терегулова Р.Н. Русские заимствования в башкирском языке. Уфа, 2007.



тилшунослигида биринчилардан бўлиб эътибор қаратди: "...бирон бир халқнинг ақлий камолотини аниқлаш учун унинг тилини ўрганишнинг ўзи етарлидир, агар тилда бирор фан соҳасига оид ижтимоий иборалар бўлса, бу фан айна шу тилда гапирадиган халқ томонидан яратилган деб комил ишонч билан айтишимиз мумкин. Ва аксинча, агар бирор-бир нарса номи мазкур халқнинг ўзиники бўлмай, бошқа халқ тилидан олинган бўлса, демак, ўша предметнинг ўзи ҳам шу халқда бўлмаган М.Мирзаев, М.Пўлатов, Р.Дониёров, И.Расулов, Г.Муҳаммаджонова ва С.Акобировлар ҳам ўзларининг илмий тадқиқотларида рус тили ва ўзбек тилининг ўзаро алоқаларини атрофлича ўрганиб чиқиб, рус тили орқали тилимизга бошқа тиллардан кириб келган тил бирликларини ўрганишни алоҳида таъкидлашди.

Бу борада дастлабки ишлардан бири О.Усманов ва Р.Дониёровнинг "Русча-интернационал сўзларнинг луғати" ўзлашма сўзларнинг луғавий маъноларини талқин этишда катта воқеа бўлди. О.Усманов ва Ш.Хамидовнинг "Ўзбек тили лексикаси тарихидан" (1981) номли асари чоп этилди.

Қайд қилинган ишларда асосан рус тилининг ўзбек тилига таъсири ва ҳамкорлиги масалалари ўрганилган. Ўзбек тилига рус тили орқали Ғарбий Европа тилларидан кириб келган сўзлар атрофлича ўрганилмаган. Дунё тиллари орасида биронта ҳам тил йўқки, унда озми-кўпми ўзлашган сўз учрамасин ёки "маълум даражада аралашган бўлмасин". Дунё тилларининг умумий сони ҳам оз эмас, ҳозирги даврда 6000 га яқин тил мавжудлиги қайд этилади. Бу тилларнинг ҳар бирининг ўз тарихи, тақдири, жамият ҳаётида тутган ўрни ва мавқеи бор. Бундан ташқари, улар ўзаро муносабат, ҳамкорлик, бир-биридан сўз қабул қилиш ва ўзлаштириш каби характерловчи белги ҳамда хусусиятларга эга. Бу масалалар, айниқса, бошқа тиллардан кириб келаётган янгиликларни, моддий ҳаёт соҳасига кириб қолган объектларни иложи борича, бир сўз тарзида ўзлаштиради. Унга маҳаллий

тилда изоҳ берилиб ўтирилмай, ўша янги нарса, ҳодиса ёки янги тушунча ўз ҳолича қабул қилинади. Масалан, **бифиштекс, дизель, свитер, скутер, футбол, контейнер, компьютер, интернет, онлайн** ва бошқалар.

Географик атамалар, ижтимоий-сиёсий соҳа сўзлари, тилда сўзлашувчиларнинг миллий, бошқаларда йўқ ва уларга умуман хос бўлмаган нарса ҳамда ҳодисаларни англаувчи сўзлари ҳам сўз ўзлашувининг аниқ сабабларидан ҳисобланади.

Сўз ўзлаштирилаётган тилда ўзлашаётган сўзнинг синоними ёки эквиваленти бўлиши ва унинг параллель қўлланилиш ҳолати ҳам объектив жараён дир. Масалан, **бухгалтер-ҳисобчи. лайнер-самолёт, снайпер-мерган, гандбол-қўл тўпи** ва бошқалар. Аммо, бу ўзлашмалар бир хил денотатни англатади, деган гап эмас. Улар ўзларининг жузъий маъно бўёқлари, қўлланилиш ўрни ва мақсадлари билан бир-биридан фарқ қилишади. Асосан шу фарқларга кўра улар ўзлашадилар ҳам.

Айрим ўзлашмаларнинг маъноси ўзлашаётган тилда яна бир сифатловчи (эпитет) талаб қилади. Шу ортиқчалик кўпинча ўзлашманинг ўзи қўлланилишига олиб келади. Масалан, **митинг-катта йигин, бройлер-гўштдор жўжа** ва бошқалар.

Кўпчилик ўзлашмаларнинг туб маъносини бериш учун иборалар ёки бутун бошли гап тузишга тўғри келади. Бундай ҳолларда ўзлашманинг ўзини қўллаш афзалроқ дир. Масалан, **бутерброд** – устига сариеғ суртилган ёки пишлоқ, колбаса бўлаги қўйилган бир бўлак нон; **гол** – рақиб команда дарвозасига тўпнинг тепиб ёки бош билан уриб киритилиши.

Бундан ташқари, ўзлашаётган сўзлар маъноларининг қабул қилувчи тилдаги семантик ўзгаришлари, яъни уларнинг маъноларидаги конкретлашув ёки умумийлашув, маънодаги торайиш ёки кенгайиш, салбий ёки ижобий маъно олиш, полисемик сўзнинг моносемик ёки аксинча, моносемик сўзнинг полисемик бўлиб ўтиши, нутқ ранг-баранглигини



ошириш учун қўлланилиш каби бир қатор томонлари борки, булар ҳам сўз ўзлашувининг объектив сабаблари ҳисобланади.

Янги кириб келган сўзларнинг тақдири, яъни у тўлиқ ўзлашадими ёки қисқа муддат давомида қўлланиладими, мазкур сўзнинг мавқеига, сўз қабул қилган халқнинг ҳаётий ва кундалик эҳтиёжларини ифодалаш кучига ва қолаверса, ўзлаштирувчи тилнинг ички имкониятларига боғлиқ бўлади. Буларнинг таҳлили, аввало, сўз ўзлаштириш ва ўзлашмалар масаласига тўхталиб ўтишни тақозо қилади. “Ўзбек тили лексикологияси” китобида тилшунослардан Л.П.Крисин, Н.М.Акуленко, Н.Шараповларнинг ишларига мурожаат қилинган ҳолда сўз ўзлаштириш таърифига куйидагича фикр билдирилади: “Ўзлаштириш бир тилдан иккинчи тилга маълум тил элементларининг кўчиши, киришидир”. М.Д.Степанова ва И.И.Чернишевлар сўз ўзлаштириш деб, чет сўзларнинг тилларга кириб келиши, уларнинг ўзлашиш натижаси ва уларнинг умумий мажмуини тушунадилар.

Маълумки, чет тилидан кириб келган ҳар бир янги сўз табиий равишда маълум даражада ўша тилнинг фонетик, орфографик, грамматик ва бошқа жиҳатларига мослашади.

Ўзлашган сўзлар олимлар томонидан, аввало, икки кўринишда, яъни чет сўз ва ўзлашмаларга бўлиниб таҳлил қилинди. Агар ўзлашган сўз ўзи қабул қилинган тилга сингиб, фонетик, орфографик, грамматик жиҳатдан мослашиб кетса, уни ўзлашма, бегоналигича қолаверса, уни чет сўз деб номлашнинг ўзи кифоя бўлган бу жараён олимлар томонидан турлича изоҳланади.

“Чет сўзлар остида инглиз тилига тахминан XV асрдан кейин кириб келган ва ўзларининг чет тилларидан кириб келганлигини (ўқилиши, ёзилиши ва урғуси билан) билдириб турувчи сўзлар тушунилади”. Чет сўзларни дифференциация қилишда мезон қилиб вақт олинган ва аср (XV аср) белгиланган.

Бирор тилга қарашли бўлган сўзнинг иккинчи бир тилга ўтиб, унга мослашиб кетиши маълум вақтни талаб қилади.

Инглиз тилининг ўзида XV асрдан кейин, айниқса Норман истилосидан кейин кириб келган бир қатор сўзлар, чет сўз ва ўзлашмаларни аниқ дифференциация қилишга ҳаракат қилган олимлардан яна бири Э.Хаугендир. У қизиқ, аммо қисқа ва аниқ фикр айтган: “Ўзлашган сўзлар деб, тилга мослашиб олган, келиб чиқишини фақат этимологик таҳлил орқалигина билса бўладиган сўзларга айтилади. Улар тилга ташқи кўриниши, урғуси ва флексияси бўйича мослашиб олган бўладилар. Ўзларининг бегона хусусиятини сақлаб қолган сўзлар эса чет сўзлар деб юритилади”<sup>18</sup>. Бу фикр яқин-яқинларгача тилшуносликда умумий ва кенг тарқалган фикр эди.

Ўзлашмаларни фонетик жиҳатдан ўрганган Б.Трнка чет сўзларни бешта фонологик кўрсаткичлар асосида таҳлил қилиш лозимлигини таъкидлади. Б.Трнка изланишни инглиз тили асосида қилиб, куйидаги ҳолатларга тилшунослар эътиборини тортади:

- Инглиз тилига хос бўлмаган фонемалар борлиги ёки туб сўздаги фонема вариантлари ҳисобланган товушларнинг фонема сифатида қўлланилиши;

- Урғусиз бўғинларда унлиларнинг тўла шакли сақланиши;

- Инглиз тилига хос бўлмаган фонемалар бирикуви ва сўздаги фонемалар сони;

- Фонологик оппозициялардан морфологик мақсадда фойдаланиш, масалан, урғунинг алмашинуви ёки товушларнинг ўрин алмашуви;

- Маълум дифтонгларнинг қўлланилиши.

Э.Хауген ўзлашган сўзларнинг морфологик тузилишини ўрганиш ғоясини илгари суради. У чет сўзларни уч гуруҳга ажратиб таҳлил қилишни тавсия этади:

<sup>18</sup> Haugen E. The analysis of linguistic borrowing. “Language”. Vol. 26.N., S.2009. 210 pp.



1. Морфологик ўзгаришларсиз, ўзларининг манба тилдаги прототипига айнан ўхшаш сўзлар.

2. Морфологик жиҳатдан қисман ўзгарган, манба тилдаги шаклига қисман ўхшаш сўзлар.

3. Морфологик жиҳатдан тўла ўзгарган сўзлар ва семантик ўзлашмалар.

Ўзлашган сўзлар классификацияси фикрига қўшилади ва унга қўшимча қилиб сўзнинг ёзилиши, айтилиши, уни ўзлаштирган тил эгаларига танишлиги, ўзлашган тилда янги сўзлар ясай олиш қобилияти ва янги олган суффиксларига қараб ўзлашган сўзлар фарқланмоғи керак”, - дейди. Немис олимнинг бу фикрини бошқа олимлардан О.Б.Шахрай қувватлайди ва унга яқин иккинчи бир фикрни айтади: “...Сўз ўзлашувининг чет сўзлар (“иностранные”) ва ўзлаштирмалар (“заимствованные”) гуруҳларига бўлиб ўрганиш ёки уларни ўзлашган (“освоенные”) ва ўзлашмаган (“неосвоенные”) деб номлаш масала моҳиятини аниқ оча олмайди. ...Чет тиллардан қабул қилинган сўзларни қай даражада шаклан ёки функционал, қай даражада морфологик, фонетик ва орфографик мослашганини аниқлаш ва морфологик ҳамда акцентологик, ҳарф-товуш мутаносиблиги ҳамда сўз яшаш ва семантик хусусиятларини фарқлаш лозим”.

И.Крейн инглиз тилидаги французча сўзларни ўргана туриб, янги “ассимиляциялашган” ва “ассимиляциялашмаган” терминларни қўллайди. У инглиз тилидаги французча сўзларни луғат асосида статистик ҳажмини аниқлаб, уларнинг фонема, графема-фонема ва морфологик ўзлашиши хусусиятларини солиштириб ва таққослаб чиқади. У ҳам ўзлашган сўзларни учга бўлган: 1) тўла ассимиляциялашган; 2) ярим ассимиляциялашган; 3) ассимиляциялашмаган сўзлар<sup>19</sup>. И.Крейн бу борада конкрет ва статистик натижаларни айтса-да, тадқиқот иши

<sup>19</sup> Шахрай О.Б.К проблеме классификации заимствованной лексики. - “Вопросы языкознания”, 1961, №2.

луғатга асосан бўлганлиги учун французча сўзларнинг инглиз тилида, айниқса, сўзлашув нутқида қай даражада учраши, уларнинг луғат билан бўлган семантик-синтактик мулоқоти тўғрисида тўхталган.

Француз тилидаги кўплаб сўзлар лотин тилидан кирган сўзларнинг ривожланиши натижасидир. Табиийки, жонли француз тилида бу сўзларнинг кўпчилиги ўз шакл ва маъноларини ўзгартирган ва бирламчи лотин шаклидан катта фарқланишни бошидан кечирган. Ўрта асрларда инглиз тилига Норман истилоси пайтида кўплаб француз сўзлари ҳамда ўйғониш даврида классик лотин тилидан кўплаб сўзлар бевосита кириб келган.

Классик лотин тилидан кириб келган бу сўзлар француз тилидан кириб келган сўзларнинг бирламчи оригинал шакллари эканлиги маълум бўлди. Шу йўл билан ҳам бир қатор лексик дублетлар пайдо бўлди. Бунга қуйидагиларни мисол қилиб келтириш мумкин:

#### **Ўрта, Қадимги француз тилидан инглиз тилига**

*Feat (жасорат)*

*Treason (сотқинлик, хоинлик)*

*Reason (онг, ақл-идрок)*

*Dainty (нафис)*

#### **Лотин тилидан инглиз тилига XVI асрда**

*fact (факт)*

*tradition (анъана)*

*ratio (коэффициент, муносабат)*

*diginity (қадр-қиммат)*

*camera (камера)*

Норман-француз тилидан қабул қилинган сўзлар бир қанча ўзгаришларни бошдан кечирди ва француз тилидаги шаклига яқинлашди. Масалан, Чосердаги “viage” сўзи, ҳозирги инглиз тилидаги “voyage” саёҳат сўзи орфографик жиҳатдан француз тилига тўла мос келади. Қадимги инглиз тилидаги “leal” (содиқ) сўзи “loyal” сўзига, “flaute” (флейта) (француз тилида flute) сўзи “flute” га ўзгарди.

Ўрта давр инглиз тилидан “douten” феъли ва қадимги француз тилидаги



“*douter*” сўзлари “кўркмоқ” маъносини билдиради. Масалан, “*redoubtable*” (кўрқинчли, ваҳимали) сифати ва “*rederet*” (редут) оти. Ҳозирда бу сўзнинг эски маъноси ҳар иккала тилда йўқолди ва ҳозирги инглиз тилидаги “*doubt*” ва француз тилидаги “*daubter*” феъллари “шубҳаланмоқ, гумон қилмоқ” маъносида ишлатилади. Инглиз тилидаги “*danger*” сўзи француз тилига “ҳокимият” маъносида кириб келган, аммо вақт ўтиши билан бу маъно инглиз тилида ўзгаришга учраган ва ҳозирда бу сўз “хавф-хатар” маъносида ишлатилади.

Ўзлаштирилган сўзлар маъносида ўзгаришлар содир бўлишини бошқа сўзлар мисолида ҳам кузатишимиз мумкин.

“*Machine*” (машина), “*machinist*” (машинист), “*machinery*” (механизм, машиналар) сўзлари француз тилидан кириб келган. Бунга инглиз тилига латин тилидан қабул қилинган “*Mechanization*” – “механизация” сўзини қиёслаш мумкин. “Механизация” сўзида эса машина, механизмлардан умуман ҳеч нарса қолмади. Инглиз тилидан *machinal* сифатида эса “*ch*” ҳарф бирикмаси икки хил ўқилади (к) ва (җ).

Бу каби дублетларга *celtic* сўзини ҳам киритиш мумкин. Бу сўз икки хил талаффуз қилинади. Агар бу сўз (*keltik*) деб талаффуз қилинса, сўз “кельтларга алоқадор, кельтларга тегишли» деган маънони билдиради. Агар бу сўз (*seltik*) деб талаффуз қилинса, у фақат футбол командасининг номини билдиради. Инглиз тилининг тарихий тараққиёти даврида бир маънони билдирувчи икки сўздан иборат лексик дублетлар пайдо бўлганки, унда от инглиз тилида ва мос келувчи сифат эса латин тилидан кириб келган сўз ёрдамида берилади. Масалан:

*Mouth* (оғиз) – *oral* (оғзаки, оғизга алоқадор); *Nose* (бурун) – *nasal* (бурунга

алоқадор); *Eye* (кўз) – *ocular* (кўзга алоқадор); *Mind* (ақл) – *mental* (ақлий); *Son* (ўғил) – *filial* (ўғилга алоқадор); *House* (уй) – *domestic* (уйга алоқадор); *The middle ages* (ўрта асрлар) – *medieval* (ўрта асрларга алоқадор); *Moon* (ой) – *lunar* (ойга алоқадор); *Sun* (күёш) – *solar* (күёшга оид); *Star* (юлдуз) – *stellar* ёки *sidereal* (юлдузларга алоқадор); *Town* (шаҳар) – *urban* (шаҳарга алоқадор).

Мазкур мисоллардаги отларда талаффуздаги фарқлар ҳам мавжуд, аммо улар орасидаги фарқлар юқоридагиларга нисбатан катта эмас.

Юқорида айтиб ўтилган ҳолатлардан ташқари яна бир турдаги дублетлар ҳам борки, уларнинг маъносида ҳеч қандай фарқ йўқ. Ягона фарқ эса ўша сўзлар кўшимчаларининг талаффузида бўлиб, бу фарқ сўзловчининг сўз охирига қандай талаффуз қилишини аниқ билмай иккиланганлиги оқибатида келиб чиққан. Бунинг боиси мазкур сўзлар китобий сўзлар бўлиб, оғзаки нутқда жуда кам қўлланилиши билан изоҳланади. Масалан:

#### **Om**

*Feud* (феодалнинг ер мулки)

*Feast* (зиёрат)

#### **сифат**

*feudatory, feodatory* (феодалнинг ер мулкига алоқадор)

*festival, festive* (зиёрат, тўй-томошага алоқадор)

*labyrinthean* (лабиринтга тегишли бўлган,

*labyrinthic* лабиринтга алоқадор

*labyrinthine* - лабиринтсимон.

Демак, “ўзлаштириш” ҳодисаси, нафақат сўз ўзлаштиришда фойдаланиш, балки чет сўзларнинг имло ва талаффузи, сўз яшаш хусусиятлари ва маъноларини ўзлаштириш орқали лексик дублетлар яшашда ҳам кенг қўлланилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Арнольд И. В. Лексикология современного английского языка: -М.: Высш. шк., 1986.- 3-е изд., переработ. и доп. - 295 с.
2. Миртожиев М. Ўзбек тили лексикологияси ва лексикографияси. Тошкент, 2000.
3. Турсунов У. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1992, 183-186-б.



4. Усмон О., Дониёров Р. Русча-интернационал сўзлар изохли луғати, Т., 1965.
5. Усмонов О., Хамидов Ш. Ўзбек тили лексикаси тарихидан.- Т.: Фан,1981.- 114 б.
6. Ўзбек тили лексикологияси. Тошкент, 1981, 293-312-бетлар.
7. Ўзбек тилининг изохли луғати. 1-2-жилдлар. М, 1981.
8. Шахрай О.Б.К проблеме классификации заимствованной лексики. “Вопросы языкознания”,1961, №2.
9. Шоабдурахмонов Ш. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1980, 147-158- б.
10. Diss. Gieben History of English Back. 1996.
11. Gordon, James D. The English language: An historical introduction. New York: Thomas Y. Crowell Company, Inc. 1972.
12. Haugen E. The analysis of linguistic borrowing. “ Language”. Vol. 26.N., S.2009. 210 pp.

*Юсунов О. Роль заимствований в формировании лексических дублетов. Данная статья исследует взгляды ученых на проблемы заимствованных слов; факторы, влияющие на заимствование слов; адаптацию заимствованных слов в языках и важность заимствований в развитии лексических дублетов.*

*Yusupov O. The Role of Borrowing in the Development of Lexical Doublets. This article explores views of scholars on the issues of borrowing, the factors that influence word borrowing, adaptation of loanwords in languages and importance of borrowing in the development of lexical doublets.*